

07.00.00 – TARIX FANLARI

ОТА ВАСИЯТИГА СОДИҚ ЖАДИДШУНОС ОЛИМ

Сулаймон Иноятов, Бухоро давлат
университети ва педагогика институти
профессори, тарих фанлари доктори
(Бухоро ш. Ўзбекистон)

Аннотация: Мақолада таниқли жадидшунос олим Темур Хўжса ўғлининг ҳаёти ва фаолиятига доир айрим лавҳалар ёритилади.

Калим сўзлар: Темур Хўжса ўғли, Усмонхўжса, жадидлар, Истанбул, Туркистон, Ўзбекистон, Бухоро, музей

Аннотация: В статье освещаются некоторые исторические отрывки из жизни и деятельности известного ученого по жадидизму Темур Ходжса угли

Ключевые слова: Темур Ходжса угли, Усмонходжса, жадиды, Истанбул, Туркестан, Узбекистан, Бухара, музей

Abstract: The article highlights some scenes from the life and activities of Temur Khoja's son, a well-known antiquarian scientist.


Keywords: The son of Temur Khoja, Usman Khoja, moderns, Istanbul, Turkestan, Uzbekistan, Bukhara, museum

Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг,
Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг.

Ўлганда юз соат йиглаб тургандан
Уни тириклигига бир соат йўқланг.

М. Шайхзода

Бугун сафимизда бўлиб, халқимиз хизматини қилаётган инсон жадидшунос олим, филолог, сиёсатшунос, тарихчи, публицист, журналист, ёзувчи ва шоирдир. У дунёning ялангоёқ кезган, дунё азобларини чеккан, у мамлакатдан бу мамлакатда хору-зор Ватан гадоси ва севимли Туркистоннинг шайдоси сифатида барча қийинчиликларни енгган. Қаерда, қайси ўлкада бўлмасин Туркистон, Бухорои шарифни кўнглига жо қилиб кун кечирган. Отаси билан бирга юриб, ундан Ота-Ватанга меҳр ва садоқат ғояларини чуқур ўрганган.



Ваниҳоят, хору-зорлигу, оғир ва машаққатли кунларни ёнгиб, Истанбул университетини битириб, дунёга машхур Урта Осиёшунос устози Эдвард Оллворт илмий раҳбарлигига таниқли олим бўлиб етишган. Унинг энг катта орзузи Ота юртини зиёрат қилиш бўлган. Ваниҳоят мустақиллик шамоли Ўзбекистон томон эса бошлаган даврда у ота юртини зиёратга келди. Юзлаб авлодларини топди. Мустақил Ўзбекистоннинг икки Президенти билан учрашди. Биринчиси Биринчи Президент Ислом Каримов, иккинчиси Шавкат Мирзиёев. У Ўзбекистонда жадидларга бағишланган қатор конференциялар ташаббускори бўлди. У 100 йилдан

кейин 2019 йилда бир кеча Бухорода отаси ва амакиси туғилган уйда ётиб, тушида ўтган оила аъзолари билан суҳбат қилиб чиқди. У Ота уйини жадидлар тарихий музейига айлантириш ғояси билан Ўзбекистон раҳбарларига чиқди. Бу ниятига эришди. У бугун Бухорои шарифдаги БухДУ ва Инновациялар университети фахрий профессоридир.

Бу инсон - Темур Хўжса Усмонхўжа ўғлидир.

Темур Хўжа Усмонхўжа ўғли ҳақида

Отам Иноятхўжа Отауллахўжа ўғли амакиларимиз Раҳимхўжа ва КаримхўжаFaффорхўжа ўғиллари билан Бухоро ва Тошкентда учрашганларида, қуюқ сұхбатлар орасида авлодлар ҳақида секин бир-бирларига гапириб, савол-жавоблар қиласар эдилар. Бизлар араласиб, сўраб қолсак, деярли гапирмас эдилар ва ўғлим катта бўлсаларинг, билиб оласизлар, “деворнинг ҳам қулоғи бор”, ҳозир сизлар учун бу гапларнинг мавриди эмас, деб қўяр эдилар. Шу сұхбатлар орасида Файзулла Хўжаев, Faффорхўжа, Сатторхўжа, Пўлатхўжа, Усмонхўжа, Отауллахўжа каби исмлар жаранглаб, қулоққа чалиниб турарди. Аммо, булар ҳақида биз ёшларга деярли “маълумот” бермас эдилар.

Дадам Иноятхўжа вафотлари олдидан: “Ўғлим сен чет элларга бориб келаяпсан, мабодо йўлинг тушиб қолса, Туркиядабўлганингдабонг Усмонхўжани суриштирасан. У кишининг Туркияда обрўси баландлигини орқаваротдан эшитганмиз, аммо алоқа бўлмаган, балки бола-чақалари бордир”, деб айтган эдилар.

Дадам Иноятхўжа 1987 йил 15 августда вафот этдилар. Мен 1987 йил 7 декабрда Москвада тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Диссертация муҳокамасида москалил олимлар “Сизда чет эллик “советшунос”ларнинг танқиди кам берилган, шуни кучайтиринг” деган таклиф бўлди. Қарангки, мен “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналида (1980 йил №10) академик М.К.Нурмуҳаммединг рус тилидаги “Об одной зарубежной теории “Бухарской нации” (“Бухоро миллати” ҳақидаги бир чет эл назариясига доир”) мақоласини ўрганиб, шундан ғирт ёлғон ва тухматдан иборат мисолларни диссертациясига киритганман. Бу мақолада М.Мётли, Л.Хэнэуэй, Темур Хўжа ўғли миллий масалаларда “танқид” қилинган эди. Мен ҳатто шу мақола ҳақида фикр юритиб, Темур Хўжа қариндошим эканлигини ҳам билмаганман.

Ваниҳоят, шўролар давлати инқизорзга учраб келаётган бир даврда, Узбекистонда мустақиллик шамоли эса бошлади. Ана шундай кунларда 1990 йилнинг 20 октябридан 10 ноябригача қариндошимиз Темур Хўжа Усмонхўжа ўғли биринчи марта тарихий Ватани Узбекистонга ташриф буюрди.

Мен Темур Хўжа билан биринчи марта 1990 йил ноябринг бошида Бухоро аэропортида учрашдим. У киши Узбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Узбекистон Халқ шоири Жамол Камол билан бирга Тошкентдан Бухорога учиб келдилар.

Темур Хўжа Бухорода бўлган кунлари бизнинг ҳовлимиизга ҳам меҳмон бўлиб, барча авлодлар билан қизғин учрашув ўтказди. Афсуски, отамиз бу кунларни кўролмади, уч йил олдин вафот этган эди.

Мен Тошкентга бориб, устозим профессор Жума Намозович Намозов билан Тошкент меҳмонхонасида Темур Хўжа билан учрашувни давом эттиридик. Шу соатларда Темур Хўжа шоир Жамол Камол билан учрашув белгилаган экан. Биргаликда уччовимиз пиёда Тошкент меҳмонхонасидан Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси (Амир Темур хиёбони ва Узбекистон меҳмонхонаси атрофида)га бордик. Жамол Камол бизларни қуюқ кутиб олди. Салкам бир соатлик сұхбатдан сўнг, биз Темур Хўжа ва Жамол Камол билан хайрлашдик. Темур Хўжа Машрабнинг юбилейига келишини айтди. Аммо, бу тадбирга у киши кела олмади.

Темур Хўжа Ўзбекистонда бўлганида Республика оммавий ахборот воситалар у кишидан интервьюлар олдилар. Мухбирлар айниқса, у кишининг отаси Усмонхўжа ҳақида жуда кўп саволлар билан мурожаат қилдилар. Бу саволларга Темур Хўжа аниқ ва лўнда қилиб мазмунли жавоблар қайтарди. Айниқса, Ватан ҳақида берилган саволга Темур Хўжа: “Ватан – бу илдиздир. Бу юрга илдиз отмаган, уни

тупроғини ҳурмат қилмаганлар бу ерни Ватан қилолмайды. Илдиз – оёғинг остида боболаринг арвоҳи чирқиллаб туришидир. Илдиз – шу ернинг тилини, урфини фақат тилига эмас, қалбига сингдиришdir. Биз Туркияда, Олмонияда ўзимизни мусоғирлар ҳисоблаймиз, уларнинг ички масалаларига аралашишга ўзимизда маънавий ҳуқуқ тополмаймиз. Йўқса, биз ҳам ерли аҳоли билан тенг ҳуқуқли фуқаро ҳисобланамиз. Биз ўша ернинг урф-одатини бажо қиламиз, тилларини ўрганамиз, ҳамиша ўзимизни улар олдида қарздор ҳис этамиз. Биз тузни жуда қаттиқ ҳурмат қиламиз. Бизнинг болалар ҳам Туркистонни Ватан дейди, чунки илдизимиз, бизни кўкартувчи, яшнатувчи тупроқ шу ерда. Биз бу тупроқни ҳеч қаерда топа олмаймиз. Тупроғини унуган одам – ўзлигини унуган одамдир”, - деб жавоб берди.

Мухбирнинг “Ўзбек адабиёти билан Сиз қанчалик танишсиз! Ижодкорларимизнинг замонавий асарларига қандай муносабат билдирасиз?” деган саволига: “- Ўзбек адабиётини ҳар томонлама чукур билиш мен учун ота мерос. Истамбулда истиқомат қилганимизда ҳам ёки кейинчалик ҳаёт гирдоби бизни қаерга олиб бормасин, барибир она-Ватан адабиёти билан алоқани узмадим. Тақдир тақозоси билан адабиётшунослик касбини танлаганим боис, бевосита ўзбек ёзувчи ва шоирларининг асарларини ҳар томонлама ўрганиш қундалик машғулотга айланган. Менга бу борада “Шарқ юлдузи” ва “Ёшлик” ойномалари бекиёс кўмак бераётir. Бир неча йиллардан бери уларга обуна бўлиб, мунтазам олиб турамиз. Худди шу нашрлар орқали ёш муаллифларнинг асарлари билан танишамиз. Мени кувонтиргани шу бўлдики, ҳозирги ўзбек адабиёти айни юксалиш поғонасида, 20-30 йилларда бошланган тараққийпарвар адабий оқим бугунги кунда жонкуяр давомчиларига эга”, деб кўрсатди.

Худди шунингдек, Бухоро газеталари ҳам Темур Хўжа ҳақида хабар ва мақолалар чоп этдилар. “Советская Бухара” газетаси 1990 йил 7 ноябрдаги сонида БХШР Биринчи Президенти Усмонхўжанинг ўғли Темур Хўжа Бухорога ташриф буюрди, у форс-тожик, немис, инглиз, рус ва ўзбек тилларида соф гапиради. У “Озодлик” (ФРГ) радиостанциясининг муҳаррири деб хабар берди.

“Советская Бухара” газетаси орадан 10 кун ўтгач, 17 ноябрь 1990 йилда профессор Б.Эргашевнинг “Первый Бухарский Президент” (Бухоронинг Биринчи Президенти) мақоласини чоп этиб, Усмонхўжа ҳақида батафсил маълумот берди.

Шундан кейин Ўзбекистон матбуотида бирин-кетин бу сулола ҳақида мақолалар чоп этила бошланди. Масалан, “Халқ сўзи” газетасида 1991 йил 15 октябрда “Усмонхўжа Ватан хоини эмасди” номи билан Рустамбек Шамситдиновнинг мақоласи чоп этилди... Бу Усмонхўжа ҳақидаги биринчи ижобий мақола эди.



Темур Хўжа ўғли ва унинг оиласи
Темур Хўжа ўғли 1947 йил 30 майда Истанбул шаҳрида Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғлининг хонадонида туғилган. Унинг онаси Ҳакимахон Кўқон хони Худоёрхоннинг жияни Сайд Акрамхоннинг қизидир. Усмонхўжа Қобулдан Туркияга (1922) кетаётганида Сайд Акрамхон қизи Ҳакимахонни Усмонхўжага никоҳ қилиб топширади. Ҳакимахон 15 ёшли қизча бўлгани учун Сайд Акрамхон “Қизим 17 ёшга тўлгач, мен уни Сизга Туркияга юбораман”, деб ваъдалашади.

Икки йилдан сўнг, қизини акаси билан Туркияга жўнатади. Усмонхўжа Ҳакимахонга уйланади.



Темур Хўжа ўғли Ҳакимахондан дунёга келади. Усмонхўжа Американинг Колумбия университетининг дунёга таниқли профессори Эдвард Оллворт билан таниш ва яқин дўст бўлган. Шу сабабли Темур Хўжа ўғли отасининг вафотидан сўнг Э.Оллворт ҳузурига бориб, унинг илмий раҳбарлигида Колумбия университетида 1982 йилда “Совет Ўрта Осиё адабиётида Сталиндан сўнгги давр қозоқ ва ўзбек бадиий насрода миллӣ ўзига хослик” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Темур Хўжа ўғли докторлик диссертациясини ҳимоя қилгач, узоқ йиллар Озодлик Радиосида фаолият кўрсатади. Кейинроқ, Истанбулдаги КЎЧ университетида фаолиятини давом эттиради. Кейинги йилларда АҚШнинг Мичиган университетида шартнома асосида ишлаб келмоқда. Темур Хўжа ўғли оиласи, уч нафар фарзанди – бир ўғил, икки қизи бор. Турмуш ўртоғи Нигорхонум – келиб чиқиши Тошкентлик ўзбеклардан бўлиб Хитойда туғилган. Бир неча тилни билади. Бугун таржимонлик билан шуғулланади.



Қизи Нурихон 1980 йилда туғилган ва Чўлпон (1982) таълим ва тарбия соҳасида фаолият кўрсатмоқдалар. Ўғли Бобур (1995) АҚШ Мичиган университетининг Психология ва иқтисод факультетларини битириб, танлов асосида бугун АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги Президент ҳузуридаги Академиялардан бирида фаолият кўрсатиб келмоқда. Орадан узоқ муддат ўтгач, 2018 йил 7 августда Темур Хўжа билан Тошкентда дийдор кўришиш насиб этди. 2018 йил 7-8 август кунлари Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Тил ва Адабиёт университетида “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари”га бағишлиб Халқаро конференцияга Темур Хўжа таклиф қилинган экан. Мен Чирчиқдаги “Чотқол” санаториясида дам олаётган эдим. Профессор Ҳамидулла Болтабоев қўнғироқ қилиб, Темур Хўжа келганлигини маълум қилди. Қанот

чиқарыб, конференция ўтадиган жойга етиб келдим. Дўстларим иқтисод фанлари доктори, профессор Мұхаммадали Сайдов ва тарих фанлари доктори Қахрамон Ражабов билан Темур Хўжанинг топиб учрашдик ва кун бўйи конференцияда бирга бўлиб, жуда кўп маъruzалар қатори Темур Хўжанинг ҳам мазмунли маъruzасини тингладик. Бухоро ва Истанбулда учрашувгача деб хайрлашдик. Темур Хўжа билан кейинги серунум учрашувларимиз 2019 йилда бўлди. Бу йилнинг хайрли ва ўзига хос хосиятлиги шундаки, Темур Хўжа билан икки марта Бухорода ва бир марта Туркияда учрашув бўлди. 2019 йилнинг 21-22 июнь кунлари Темур Хўжа Бухорои шарифда АҚШлик профессор ва самарқандлик филолог олим Жулибой Элтазаров билан бирга бўлдилар. Бу ташриф жуда самарали ва қизиқарли бўлиб, Бухорода шоир Жамол Камол 80 йиллиги олдидан учрашувлар бўлаётган эди. Темур Хўжа ва шерикларини Когон темир йўл вокзалида кутиб олар эканмиз, Бухорода амакиси Отаулла Хўжа Лаби ҳовузда биринчи бўлиб Гастрономни қурган жойда жойлашган меҳмонхонага жойлаштирилди.

Шу дақиқаларда Бухоро давлат университети докторанти Амонкелдининг уйланиш тўйининг “Падар оши” (“Оталар оши”)си бўлаётган эди. Тўйга – падар ошига бориш таклифини меҳмонлар бажонидил қабул қилишди. Бухороча бу тўй меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Улар тўй эгаларини қизғин табрикладилар. Икки кунлик ташриф давомида Бухоро давлат университети ва Бухоро мухандислик институтида бўлган шоир Жамол Камолнинг юбилей олди учрашувларида меҳмонлар иштирок этиб, нутқ сўзладилар. Бу



учрашувлар уларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, Темур Хўжа Бухоро давлат университетининг филология факультетида алоҳида учрашув ўтказиб, 20-30 йиллар адабиёти ва адабий муҳити тўғрисида сухбат ўтказдилар. Бу баҳс-мунозарада Темур Хўжа ўнлаб саволларга мароқ билан мазмунли жавоб бердилар. Темур Хўжа ота уйини топиб беришни илтимос қилди. Биз у киши ва шерикларини Гавкушон мавзесида 1860-1870 йилларда бобоси Пўлатхўжа томонидан курилган, “Ховли поён” номи билан Бухорода машхур бўлган, Усмонхўжа ва Отауллахўжалар вояга етган ҳовлига олиб бордик. Ҳовли жойлашган кўчанинг номи бир неча марта ўзгариб, бугун Хўжа Гулрез номи билан аталади.

Гулрез кўчаси 13-рақамили ҳовли курилганига юз эллик йил бўлган бўлса-да, хозиргacha ўз кўринишини сақлаган, асл ҳолатини йўқотгани йўқ. Уша даврдаги дарвоза, айвон, нақшинкор хоналар, таҳхоналар (подвал), хоналардаги токчалар ҳозир ҳам оҳанрабодек диққатингизни тортиб туради. Ҳовлига киришимиз биланоқ, катта ва баланд айвоннинг тегига қўйилган кроватлар устида ўтириб,

ўтганлар хотирасига қуръон тиловати бажо келтирилди.

Темур Хўжа ҳовлини томоша қиласа экан бобоси қурган, отаси вояга етган бу кошонадан завқланиб, кўзларида ёш чарх урди. Ҳовлининг ҳар бир уйи-юғишларига зеҳн солиб қаради. Гўёки ҳовли билан тиллашаётгандек бўлди. Бугун самарқандлик тижоратчилар томонидан сотиб олиниб, “Ҳовли поён” номи билан ташкил қилинган меҳмонхонадан чиқар эканмиз, Темур Хўжа “Мен, албатта, яна келаман” деган ният билан ҳовлидан чиқдик. Ҳалқимизда “Яхши ният ёрти давлат”, “Яхши ният муродга етказади” деган нақллар бор. Қарангки, Темур Хўжа қилган ният ярим йилга етмасдан амалга ошиди. 2019 йил 21 декабрь Тошкентдан Темур Хўжа қўнғироқ қилмоқдалар: “Сулаймон домла, биз Тошкентга сайловлар муносабати билан келдик. Насиб бўлса, Бухорога борамиз. Иложи бўлса, отамнинг ҳовлисидаги “Ҳовли поён” меҳмонхонасидан бизга иккита жойга буюртма берсангиз. Мен билан бирга АҚШдан келган мухбир-журналист Чарине Путз хоним ҳам Бухорони кўриш орзусидалар. Бухорода кўришгунча.”



Биз дарҳол меҳмонхонага бориб жойни ҳозирлаб, эртаси куни меҳмонларни кутиб олиб жойлаштиридик. Темур Хўжа оталари юз йил олдин чиқиб кетган уйда бу кеча меҳмон бўлдилар. Оталари Усмонхўжа ва амакилари Отауллахўжа вояга етган ва Туркияда ўқиб келгач, янги усуздаги мактабни ташкил қилган, жуда кўп болаларга замонавий илм берган, бир қисм камбағал болаларни пулсиз ўқитган ҳовлида Темур Хўжа бир кеча қўним топдилар.



Темур Хўжа Бухорода Иноятовлар хонадонида. (2019 й.)



Темур Хўжа Бухорода Иноятовлар хонадонида. (2019 й.)

Ховлидаги хоналарнинг бирида бир кеча меҳмон бўлган Темур Хўжа биз билан сухбатда қуидаги юрак сўзларини изхор этди: “- Бу тун мен учун унтилмас бўлди. Онам алла айтиб, отам бешигимни тебратиб турган каби илоҳий туйғу ичра кечди. Юз йилдан кейин бўлса ҳам, отам уйидаман. Бундан ниҳоятда хурсандман. Сиздан эса бениҳоя миннатдорман.



Отамнинг васиятлари ижобат бўлди. Кўриб турганингиздек, ўзбек тилида соф гаплаша оламан. Инглиз, немис, форс тилларини ҳам яхши биламан. Ўн кун давомида Тошкентдаги университетларда маъruzza қилдим. Талabalарнинг ўта қизиқувчанлиги, илмга чанқоқлигини кўриб, ота юртимга ҳали кўп хизмат қилишим лозимлигини англадим. Ахир, отамнинг ҳам орзу-ниятлари шу эди...”



Темур Хўжа Бухорода Иноятовлар хонадонида. (2019 й.)

Темур Хўжа Бухородан Тошкентга йўл олар экан, бир ажойиб ғоя билан ўртоқлашдилар. Агар сизлар рози бўлсанглар отамнинг уйида Бухоро жадидларининг музейини ташкил қилишни Ўзбекистон ва Бухоро раҳбариятидан илтимос қиласак. Менда 20 мингдан ортиқ китоб бор. Булар орасида Бухоро жадидларига бағишланган дунё олимларининг турли тиллардаги тадқиқотлари мавжуд. Мен буларнинг барчасини шу музейга тақдим этаман. Агар лозим топсанглар, Тошкентга бориб Республика раҳбарларига мурожаат қиласман, дедилар. Бизлар у кишини ҳар томонлама қўллаб-куватлашимизни айтдик.



Темур Хўжа 2019 йил 25 декабрда Тошкентда бўлар экан, Ўзбекистон Республикаси Сенати бошлигининг ўринбосари Содик Сафоевга кириб, Бухородаги Усмонхўжанинг уйида жадидлар музейини очишни тавсия этади. С.Сафоев бу ғояни қўллаб-куватлади.

Темур Хўжа шу масала билан Туркияning Ўзбекистондаги собиқ элчиси Махмат Сурайё Эр билан сұхбатлашади ва у киши ҳам бу ғояни маъқуллаб, қўлидан келганча давлат даражасида ёрдам беришга хайриҳоҳ эканлигини билдиради. Шундай қилиб, Темур Хўжанинг Бухорога кейинги ташрифлари ҳам ғоят самарали бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз деб ҳисоблайман. Темур Хўжа Ўзбекистонга, ота юритига ташрифлари давомида 300 дан ортиқ қавму-қариндошлар билан танишдилар, улар жуда катта самимият билан авлодларини кутиб олдилар. Темур Хўжа АҚШ ва Туркияга қайтган бўлса-да “Руҳлари Ўзбекистонда қолган” лигини ҳар сонияда билдириб турибдилар. Ўзбекистон Президенти БМТнинг 72-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлаганида Темур Хўжа Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида АҚШ Мичиган давлат университети профессори сифатида “Бутун ўзбек улуси учун қутгуф совға” мақоласи билан 23 сентябрь 2020 йилда барча сайтларда чиқди. Үнда: “Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ БОш Ассамблеяси юбилей сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлаши улуғ тарихий ҳодисадир! Ўзбек тилининг БМТ залларида янграши ва дунёнинг барча мамлакатларида намойиш этилишини катта қувонч билан кутиб оламиз!” деб таъкидлади.



Шунингдек, Темур Хўжа океан нарисида туриб, Бухоро халқ жумхуриятининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича Халқаро илмий конференциянинг ташаббускори бўлди. Бу конференцияда дунёнинг машҳур олимларидан 50 дан ортиқ киши иштирок этди. Конференция материаллари 300 бетлик китоб бўлиб, АҚШ-Туркия ва Тошкентда чоп этилди.

2023 йил март ва декабрь ойиларида Тошкентда жадидларга бағишлиб ўтказилган икки халқаро конференциянинг ташаббускорларидандир.

Темур Хўжа ўғли 2023 йил декабрда ўтказилган конференцияга Президент Ш. Мирзиёев юборган табрик жойида алоҳида номи ва хизматлари тан олинган жадидшунос олимдир.

Темур Хўжа Халқаро конференция иштирокчиларидан 20 кишини (кўпчилиги чет эллик жадидшунослар) ота-юрти Бухорога таклиф этди. Улар Усмонхўжа ва Отауллахўжа уйида очилажак музейни маъқуллаб, ўзларининг кўмагини бу ишда аямаслигини таъкидладилар.

У ота уйида очилаётган “Жадидлар мероси давлат музейини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Президенти қарори (2024 йил 30 май)нинг ташаббускорларидан биридир. Унинг китоблари, мақолалари, маъруза ва чиқишилари Республика ёшларини тарбиялашда муҳим роль ўйнаб келмоқда.